

## ОИЛАДАГИ ТАРБИЯ УСУЛЛАРИНИ БОЛАНИНГ МУВАФФАҚИЯТГА ЭРИШИШИГА ТАЪСИРИ

**Имомқулова Фотима**, Жиззах педагогика институти, Умумий  
психология кафедраси стажёр ўқитувчиси  
**Сайфиев Фарход**, Жиззах педагогика институти 3-босқич талабаси

**Аннотация:** Жамият таракқиётида болалар муваффақиятга эришишида тўғри тарбия усулларида фойдаланиш муҳим аҳамият касб этиб, комил инсон даражасида тарбиялашда оилада эътибор бериш лозим бўлган масала, ҳамда асосий пойдевор бўлиб хизмат қилади. Қўпинча бундай вазиятларда инсоннинг харақати муваффақиятга эришиш мотивацияга боғлиқ. Мактабгача ёшдаги болаларнинг муваффақиятга эришиш мотивациясини шакллантиришда оиладаги таълим тарбия усуллари тўғри ёналтиришни ўрганиш илмий психологиянинг долзарб масалаларидан биридир.

**Калит сўз:** бола, оила, мотив, усул.

Оила муаммоларини ўрганишда бугунги куннинг аҳамиятли масалаларидан бири бўлган оилавий муносабатлар катта ўрин эгаллайди. Унинг аҳамиятли томони шундаки, кишининг инсоний фазилати, жисмоний ҳамда рухий камолоти оила билан боғлиқ бўлган ҳолда, унда кечаётган ўзаро муносабатларнинг таъсири билан шаклланади ва мукамалликка эришишга интилади, ҳаётнинг ҳар бир жаҳзасига хос ҳам назарий, ҳам амалий йўл-йўриқларни «қўлга киритиш» имкониятига эга бўлади. Оилада бола харақтерини аниқловчи ота-оналарнинг намунавий бирлиги хусусиятлари қанақа кўринишда, деган саволга психологик тадқиқотлар жавоб беради. Шу каби тадқиқотлар учун дидактик асос А.М.Гельмотнинг ишида мавжуд. Мазкур ишда болаларнинг фарқланган харақтер таҳлили ва унинг сабаблари берилган. А.М.Гельмот томонидан фарқланган харақтер асосига қўйилган ўлчамлардан бири психик харақтерга эга, бу – салбий ҳолатни енгиб ўтишининг енгиллик (ёки қийинчилик) даражаси. Асосий мазмун болаларлар билан боғлиқ бўлган сабабларга эга бўлади:

- 1) ёмон хулқли ва кўзга ташланарли камчиликлар;
- 2) оилага салбий муносабат;
- 3) ташкилий меҳнатга кўникма мавжуд эмаслиги, умумийривожланишнинг етарли даражада эмаслиги.

А.М.Гельмот, ота-она ва бола билан боғлиқ сабаблар қанчалик чамбарчас бир-бирига қўшилиб кетишига, болаларнинг индивидуал хусусиятлари билимига таянувчи ва мазкур ёндошувнинг мавжуд эмаслиги оила шароитида янги салбий, янада оғирлаштирувчи сифатларнинг шаклланишига олиб келиши ўша педагогик ёндошув қай даражада самарали эканлигига ишора қилади. Узоқ давом этувчи ёмон тарбия болада ахлоқий ва

руҳий жараҳот пайдо қилади, ўз кучига ишонмасликни дунёга келтиради.

Л.С.Виготский томонидан киритилган, болаларнинг тарбиявий хусусиятларини англаувчи, катталар билан ҳамкорлик қилиш шароитида, уларнинг кўмагида амалга ошириладиган “яқин орадаги ривожланиш ҳудудлари” тушунчаси ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда. тарбиянинг хусусиятларини таҳлил қилишга йўналтирилган тарбия қилиш руҳияти бўйича тадқиқотларда иккита вазифа бирга келади:

1) оилада болани қайси тарбия усуллари билан тарбиялаш;

2) оилада болани тарбияни муваффақиятли ўзлаштириш учун ёрдамнинг қайси тури зарур эканлигини аниқлаш. Бошқача қилиб айтганда, тарбия жараёни боланинг индивидуал руҳияти лаёқати билан, шунингдек, болага нима ўргатишади ва қандай ўргатишларига қараб мослаштирилади. Кичик мактаб ёшида таълим жараёнини тизимли ташкил қилиш, болада беғамлик даврининг туганланганлигидан далолат беради ва ўқишга бўлган муносабатлар тобора ўзгариб боради. Бу даврда боланинг қизиқишлари ўйин фаолиятидан ўқув фаолиятига аста-секин кўчиб ўтади.

Ўқишга хос қизиқишлар кўпинча болаларнинг ўйин фаолиятига таъсир этади, ўқишга хос қизиқишлар кўпинча ўйинлар характери ва мазмунига таъсир қилади. Ҳар қандай ишининг муваффақияти кўп жиҳатдан мотивларга боғлиқ бўлиб, одам ана шу мотивлар ёрдамида иш билан шуғулланади. Ўқиш мотивлари ҳар хил бўлади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар ўзларини бўлажак меҳнат фаолиятига тайёрлашларида мотивларга камроқ амал қиладилар. Бола ҳали мотив ҳақида ўйлаб кўришдан анча узоқда. Кичик мактаб ёшидаги бола ўз билим доирасини кенгайтириш, фойдали билимлар олиш, шунингдек, жамият олдидagi ўз бурчини бажариш ҳақида ҳам унча бош қотирмайди. Барча мана шу мотивлар унда иккинчи даражали нарсага айланади. Аммо, юқорида айтиб ўтганидек, унинг ўзи нима қилаётган ва мактабда билиб олаётган нарсага бевосита қизиқиши, шунингдек, ўқитувчи, ота-оналар талабларини бажаришга интилиши, мақтов эшитиши, қилган ишининг маъқул топилиши, яхши баҳолар олиши ва ҳақозолар ўқишга нисбатан қизиқиш уйғотишнинг энг муҳим воситаларига айланиб қолади. Боланинг ижтимоий муваффақиятининг таълим ва тарбия муҳити - бу ижтимоий таълимнинг мақсади, таълим жараёнининг мазмуни, шунингдек ушбу мақсадларни амалга ошириш йўллари билан боғлиқ бўлган атроф-муҳит иштирокчилари (биринчи навбатда ота-оналар, ўқитувчилар ва болалар) ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизими. Болага фаолиятнинг турли соҳаларида ва муносабатларда муваффақият қозониш имконини берадиган таълимдир.

Тўлиқ оила ҳар доим ҳар қандай ижтимоий муассасадан ўзининг таълим тарбия имкониятлари билан устундир, чунки у ижтимоий маълумотни узатиш ёки шахснинг интеллектуал ва ҳиссий қобилятларини ривожлантириш нуқтаи назаридан катта таъсир кўрсата олади. Муайян ютуқ мотивациясининг ривожланишини белгилайдиган оилавий таълим

омилларининг психологик таҳлили шуни кўрсатадики, болаларда юқори ютуқ мотивацияси ота-оналар ўз фарзандларига меҳр ва мухаббат кўрсатадиган оилаларда шаклланади. Ота-оналар тарбияси - бу онгли равишда уюшган, мақсадга мувофиқ равишда таъсир етувчи тизимдир. Мактабгача болалик даврида, тарбиянинг асосий омиллари ота-она бўлиб, улар ҳар кунги оилавий фаолият давомида болага ижтимоий таъсир кўрсатувчи воситалардир. Оила тарбиясининг ҳал қилувчи омиллари бу- она ва отанинг шахсий фазилатлари, уларнинг маданияти ва таълим даражаси, қарашлари, дунёқараши, феъл-атвори, характери ва ота-онанинг ролига тайёрлик даражаси. Никоҳ ва бола-ота муносабатларининг услуби катта рол ўйнайди. Фақатгина болалар учун дўстона ва ишончли муносабатлар эр-хотин, ота-оналар ва болалар учун хулқ-атвор намунаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Оила ташқарисида тарбиялаш оилада тарбиялашдан фарқ қилади, ўзини ўзи тараққий эттиришни қийинлаштиради, биринчи навбатда бошқалардан ёрдам излашни белгилайди. Меҳрибонлик уйда ва ижтимоий бошпанада тарбияланган ўспиринлар муваффақиятга интилишнинг пасайган даражасига эга, асосан субъектив назоратнинг ташқи позицияси, мувоффақиятсиз бўлганда хатти-ҳаракатларни тартибга солиш имкони йўқлигини кўрсатиб, бу мақсадни ёки унга эришиш жараёнини рад этишга олиб келади. Болалар уйи шароитида оналикни йўқотиш оқибатларини қоплаш имконияти муваффақиятли мустақил фаолиятдир, унинг калити мувоффақият учун ривожланган мотивация ҳисобланади. Оилавий муносабатлар фарзандларнинг ақлий, руҳий камолотини таъминлаб қолмасдан, ота-оналарда ўзига хос фаолликни ҳам юзага келтиради. Хусусан, фарзандларнинг бевосита таъсири туфайли уларнинг қизиқиш ҳамда фаолиятлари доираси кенгайди, ўзаро алоқалари бойиб боради, реал ҳаёт мазмунини чуқурроқ англаш, яъни фарзандлар камолоти, келажаги тимсолида ўз умри давомийлигини кўриш ҳолати юз беради. Оталик обрўси нафақат отанинг шахсий фазилатлари, балки оила бошлиғи сифатида ижтимоий мавқеига боғлиқ. Оналарнинг шахсий хусусиятлари кўпроқ болаларга бўлган муносабатларнинг хусусиятини аниқлайди ва оталарникига қараганда болалар томонидан кўпроқ сезилади. Шунингдек, оналарнинг ўзгарувчан воқеликка муносабати оталарникига қараганда болаларнинг ривожланиши билан кўпроқ боғлиқлиги кўрсатилган.

### **Фойдаланган адабиётлар:**

1. Кручинин В.А., Булатова Е.А. Формирование мотивации достижения успеха в подростковом возрасте/ Монография. Нижний Новгород.: 2010. 5-с.
2. Е. И. Холостова, Т. В. Шинина Социально-психологическая устойчивость семьи в современной России /Монография.- М.:2016.- 30с.
3. Акрамова Ф. Оилада ота-она ва фарзанд муносабатларининг психологик муаммолари.-Т.:Халқ таълими журнали. 2017 йил 5-сон.-Б. 85-88.

4. Imomqulova, F. (2021). ОИЛАДА ЭР-ХОТИН МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ. Журнал Педагогикаси ва психологияси в современном образовании, (2). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/2962>
5. Imomqulova, F. (2021). ISSUES OF UPBRINGING IN UZBEK FAMILIES. Журнал Педагогикаси ва психологияси в современном образовании, (1). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/2620>
6. Majidov, J. (2021). ВОПРОСЫ ГАРМОНИИ ПРЕДСТАВЛЕНИЯ МОЛОДЕЖИ О СЕМЕЙНОЙ ЖИЗНИ И УДОВЛЕТВОРЕННОСТИ СЕМЕЙНОЙ ЖИЗНЬЮ. Журнал Педагогикаси ва психологияси в современном образовании, 1(1). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/1369>
7. Majidov, J. (2021). НЕКОТОРЫЕ ОСОБЕННОСТИ ПРОЯВЛЕНИЯ ЧУВСТВА ОДИНОЧЕСТВА В ПОДРОСТКОВОМ ПЕРИОДЕ. Журнал Педагогикаси ва психологияси в современном образовании, 1(1). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/1375>
8. Majidov, J. B. (2020). Some characteristics of relationships in football teams. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(11), 1981-1988.
9. Majidov, J. (2021). КЕКСАЛИК ДАВРИНИНГ БИОЛОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ. Журнал Педагогикаси ва психологияси в современном образовании, (2). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/3074>
10. Jasur Majidov, [СВОЕОБРАЗНОСТИ ВЗАИМООТНОШЕНИЙ В СИСТЕМЕ “ТРЕНЕР-СПОРТСМЕН” В ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ ФУТБОЛЬНЫХ КЛУБАХ](#), Журнал Педагогикаси ва психологияси в современном образовании: № 1 (2020): [Journal of Pedagogy and psychology in modern education](#)